Ким бир ҳидоятга чақирса, унга ўзига эргашганларнинг ажрича ажр бўлади. Бу эса уларнинг ажрларидан ҳеч нарсани ноқис қилмайди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир ҳидоятга чақирса, унга ўзига эргашганларнинг ажрича ажр бўлади. Бу эса уларнинг ажрларидан ҳеч нарсани ноқис қилмайди. Ким бир залолатга чақирса, унга ўзига эргашганларнинг гуноҳича гуноҳ бўлади. Бу эса уларнинг гуноҳларидан ҳеч нарсани ноқис қилмайди», –дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким инсонларни яхшилик ва ҳақ йўлга сўз ёки феъл билан далолат қилиб йўналтирса, эргашганларнинг ажри каби ажр олишини ва эргашганлар ажри ноқис бўлмаслигини хабар бердилар. Энди ким инсонларни сўз ёки феъл билан ботил, гуноҳ, ҳаром, ёмон ишга далолат қилиб, йўллаган бўлса, унга ўзига эргашганларнинг гуноҳларича гуноҳ бўлишини ва бу эса уларнинг гуноҳларидан ҳеч нарсани ноқис қилмаслигини ҳам хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3373